

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ «ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ»НИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Тошкентда «электрон ҳукумат»га босқичма-босқич ўтишни таъминлаш мақсадида яратилган «e-Hujjat» электрон ҳужжат айланиши тизимининг янги версияси тақдимоти бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислон Каримов ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни амалга оширишнинг аҳамияти тўғрисида алоҳида тўхталди. Йўналиш якуни бўйича мамлакатимизда «электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Электрон ҳужжат айланиши тизими «электрон ҳукумат»нинг муҳим таркибий қисмларидан бўлиб, электрон ҳужжат айланиши тизимини амалиётга муваффақиятли жорий қилиш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда хусусий сектор ва аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқалар самарадорлигини ошириш, мамлакатимизда ахборот жамиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 майда қабул қилинган «Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи аппаратида, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилишда муҳим омил бўлди. Унинг ижроси доирасида «UNICON.UZ» давлат шўба корхонаси томонидан вазирлик ва идоралар ягона ҳимояланган «e-Hujjat» электрон ҳужжат айланиши тизимига уланди. Бугунги кунда мазкур тизимга 150 ташкилот, жумладан, давлат ташкилотлари уланган.

«e-Hujjat» электрон ҳужжат айланиши тизими БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва шериклик» қўшма лойиҳаси кўмагида модернизация қилинди. Унинг янги версияси замонавий платформа асосига қурилган бўлиб, қонуний ҳужжат алмашинувини ташкил қилиш, ягона ҳисобга олиш тизимини яратиш, ҳужжатлар ижросини тизимлаштириш ва назорат қилишни ташкил этиш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёни ва мавжуд иш юритиш тизимини такомиллаштириш ва автоматлаштиришга мўлжалланган.

«e-Hujjat» тизими платформаси бошқа электрон ҳужжат айланиши тизимларига мос бўлиб, турли вазирлик ва идоралар, ташкилотларнинг мавжуд ва янги дастурий иловалари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ишлатилиши мумкин.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТУВЧИЛАР УЧУН РАҒБАТ

Вазирлар Маҳкамасининг 25.01.2013 йилдаги 18-сон қарори билан куйидагилар тасдиқланди:

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом;

Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги намунавий низом.

Биринчи Низомга мувофиқ давлат буюртмаси идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базалари, идоралараро маълумотлар узатиш тармоқларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган ва эришилган кўрсаткичларни ҳар чоракда аниқлаштирган ҳамда давлат буюртмасининг манзилли қисмини янгиланган ҳолда ҳар йили шакллантирилади. Давлат буюртмаси лойиҳаларнинг мақсадлари, вазифалари, йўналишлари, кутиладиган натижалари ва баҳолаш қиймати, лойиҳани амалга ошириш учун йиллик эҳтиёж тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Лойиҳаларни таркибига Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти, молия, иқтисодиёт, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, шунингдек бошқа идораларнинг вакиллари кирган Комиссия танлаб олади.

Лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш жараёни йиллик циклга эга ва ҳар бир йилнинг охирига янгиланган манзилли қисмнинг тайёрланишини таъминлов-

чи схема бўйича амалга оширилади.

Намунавий низом вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун устама ҳақ шаклида моддий рағбатлантириш тартиби ва шартларини белгилайди.

Куйидагилар устама ҳақ белгилаш мезонлари ҳисобланади:

- ташкилотларда қоғозсиз ҳужжат айланиш улушини камида ўртача ички 90 фоиз, идоралараро айланишда – камида 70 фоиз таъминланишини ҳисобга олган ҳолда электрон ҳужжат айланиш тизимидан самарали фойдаланиш;

- юридик ва жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматларини жорий этиш;

- ташкилот расмий веб-сайтининг қонун ҳужжатлари талабларига камида 80 фоиз даражасида мувофиқлигини таъминлаш ва бошқа талаблар.

Устама ҳақлар ташкилот раҳбарининг қарори билан бекор қилиниши мумкин. Уларнинг миқдори ходим лавозим маошининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2173-СОН НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 28.01.2013 йилда 2173-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ҳўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга (АВ томонидан 28.12.2010 йилда 2173-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ўзгартиришлар киритилди.

Қишлоқ жойда жойлашган чакана савдо корхонасида иш вақти режими 72 соатдан кам бўлса, асосий ходимларнинг белгиланган энг кам меъёрига 0,6 дан кам бўлмаган камай-тириш коэффициенти қўлланиши белгиланди.

Бундан ташқари, куйидагилар камай-тирилди:

аҳоли пунктларидаги, шаҳарлар бундан мустасно, суткасига 12 соатлик иш режимида ва 6 кунлик иш ҳафтасида (ҳафтасига 72 соат) чакана савдо корхоналари асосий ходимлари сонининг энг кам меъёрлари;

суткасига 12 соатлик иш режимида ва 7 кунлик иш ҳафтасида (ҳафтасига 84 соат) умумий овқатланиш корхоналари асосий ходимлари (официантлар, барменлар, ошпазлар, тарқатувчи ишчилар, ошхона ишчилари) сонининг энг кам меъёрлари;

чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ишларнинг ўртача разрядлари.

Буйруқ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 4.02.2013 йилдаги 5-сонидан эълон қилинган. (Ушбу ҳужжат «Норма мас-лаҳатчи» газетасининг 5.02.2013 йилдаги 5 (394)-сонидан чоп этилган).

ЎРИНДОШ УЧУН МАЪЛУМОТНОМАЛАР

Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири буйруқ чиқарди (АВ томонидан 29.01.2013 йилда 2417-сон билан рўйхатдан ўтказилган), у билан Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кириш учун асосий иш жойидан бериладиган маълумотнома ҳамда ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотнома шакллари тасдиқланди.

Асосий иш жойидан маълумотнома ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кириш учун берилди, ўриндошлик асосидаги иш жойидан маълумотнома шакли эса иш даври кўрсатилган ҳолда ўриндошлик асосидаги иш тўғрисидаги ёзувни киритиш учун берилди.

Буйруқ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 4.02.2013 йилдаги 5-сонидан эълон қилинган. (Ушбу ҳужжат «Норма мас-лаҳатчи» газетасининг 5.02.2013 йилдаги 5 (394)-сонидан чоп этилган).

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристаримиз Елена ЕРМОХИНА ва Сардор ЖУМАШОВ тайёрладилар.



ЭЛЕКТР ТАРМОҒИГА УЛАНИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

Ишлаб чиқариш қувватларининг ошиши сабабли қўшимча электр қурилмасини ишга туширишим керак. Уни қандай қилиб электр тармоғига улаш мумкин? Ушбу масалани ким билан келишиш лозим?

Р.Бозорбоев, ХК директори.

– Жорий йилда электр тармоқларига уланиш тартиби ўзгарди. Президентнинг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони (18.07.2012 йилдаги ПФ-4455-сон) бажариш учун Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг буйруғи* (АВ томонидан 15.01.2013 йилда 2411-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан **Тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Илгари амал қилган Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қуввати 50 кВт гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисида низом (АВ томонидан 27.04.2011 йилда 2220-сон билан тасдиқланган) ўз кучини йўқотган деб топилди.

2411-сон Низом талаблари тадбиркорлик субъектларига (бундан кейин – **истеъмолчилар**), ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига (бундан кейин – **электр тармоқлари корхоналари**) ва электр таъминоти корхоналарига, «Ўздавэнегрозорат» давлат инспекцияси ҳудудий бўлимларига ҳамда истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартибида иштирок этадиган лойиҳа ва пудрат ташкилотларига тааллуқлидир. Мазкур Низом **ички электр қурилмаларининг пудрат ишларини амалга оширишни назарда тутмайди.**

Субистеъмолчиларнинг янги ёки қўшимча электр қурилмаларини истеъмолчиларнинг электр тармоқларига улаш худди «бир дарча» хизматидан фойдаланишни рад этган истеъмолчиларнинг (техник шартларни олишдан ташқари) электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш каби Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига (ВМнинг 22.08.2009 йилдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ амалга оширилади.

Энди **исталган қувватдаги электр қурилмалари** учун техник шартларни олиш учун талабнома тармоқларига истеъмолчи электр қурилмалари уланиши мўлжалланаётган **электр таъминоти корхонасининг** «бир дарча» хизматига тақдим этилади (илгари 10 кВт гача қувватга эга бўлган электр қурилмаларга эга истеъмолчилар талабномани электр таъминоти корхоналарига, 10 кВт дан 50 кВт гача бўлганлари – электр тармоқлари корхоналарига топширардилар). Талабнома, у келиб тушган куннинг ўзида рўйхатга олинади ва техник шартларни ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш учун электр тармоқлари корхонасига юборилади, **техник шартлар аввалгидек тўлов уздирилмасдан 3 иш куни ичида берилади.**

Белгиланишича, агар электр қувватининг уланиши қўшни ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан келишиш заруратини туғдирса, ушбу келишув техник шартларни бераётган корхона томонидан **истеъмолчини жалб этмаган ҳолда** амалга оширилади. Аввалгидек, қўшимча қувватни улаш билан боғлиқ бўлмаган ва ишлаб турган электр тармоқларини реконструкция қилиш бўйича асосланмаган талабларни техник шартларга киритиш **тақиқланган.** Реконструкция қилиш зарурияти техник ҳисоб-китобларга асосан Лойиҳа билан аниқланади.

Истеъмолчига «бир дарча» хизмати томонидан тақлиф этилган ёки бошқа ташкилотлардан лойиҳа ташкилотини танлаш имконияти берилади. Агар у хизмат томонидан тақдим этилган ташкилот билан шартнома тузган бўлса, техник шартлар ва расмийлаштирилган шартномани бир иш куни давомида ушбу лойиҳа ташкилотига юборади. Агар истеъмолчи бошқа ташкилотни танласа, унга ташқи электр таъминоти лойиҳасини расмийлаштириш учун техник шартлар тақдим этилади. Нима бўлганда ҳам лойиҳа ташкилоти лойиҳани қуйидаги муддатларда ишлаб чиқиши шарт (ҳисоб истеъмолчи тўлаган кундан бошлаб юритилади):

кучланиши 1 кВт гача ва қуввати 10 кВт

дан юқори бўлган электр қурилмалар учун – 15 кунгача;

кучланиши 6–10 кВт бўлган электр қурилмалар учун – 20 кунгача;

кучланиши 35 кВт ва ундан юқори бўлган электр қурилмалар учун – шартномага мувофиқ.

Лойиҳа ташкилоти **тўловни ундирмасдан ва истеъмолчини жалб этмасдан** лойиҳани ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва «Ўздавэнегрозорат» инспекцияси бўлими билан қуйидаги муддатлардан ошмаган ҳолда келишади:

кучланиши 1 кВт гача ва қуввати 10 кВт дан юқори бўлган электр қурилмалари учун – 3 иш куни;

кучланиши 6–10 кВт бўлган электр қурилмалари учун – 5 иш куни;

кучланиши 35 кВт ва ундан юқори бўлган электр қурилмалари учун – 7 иш куни.

Илгари ҳар бир келишувчи ташкилот билан лойиҳани келишиш муддати 3 иш кунидан ошмаслиги керак эди.

Лойиҳа келишилгандан сўнг бир иш куни давомида тегишли лойиҳа ташкилоти уни «бир дарча» хизматига келишув ҳужжатлари билан бирга тақдим этади.

2411-сон Низом билан электр тармоқларига улаш бўйича пудрат ишларини бажаришга талаблар белгиланган. Уларни истеъмолчининг танлашига кўра «бир дарча» хизмати тақлиф этган ёки бошқа пудрат ташкилотлари бажариши мумкин. Агар истеъмолчи «бир дарча» хизмати томонидан тақлиф этилган пудрат ташкилотининг бирини танласа, келишилган лойиҳа шартномани тайёрлаш учун пудрат ташкилотига юборилади (бунга 2 иш куни ажратилади). Истеъмолчи унинг шартларига рози бўлган тақдирда, «бир дарча» хизмати бир иш куни мобайнида пудрат ташкилотига келишилган лойиҳа ва расмийлаштирилган шартномани юборади. Агар истеъмолчи бошқа пудрат ташкилотини танласа, унга техник шартлар ва келишилган лойиҳани тақдим этади.

Шартнома имзолангандан кейин пудратчи қуйидаги муддатларда ишларни бажариши керак (истеъмолчи ҳақ тўлаган кундан бошлаб, агар шартномада истеъмолчи томонидан зарур материаллар берилиши назарда тутилган бўлса – шунингдек улар берилган кундан бошлаб):

кучланиши 1 кВт гача ва қуввати 10 кВт дан юқори бўлган электр қурилмалари учун – 15 кунгача;

кучланиши 6–10 кВт бўлган электр қурилмалари учун – 30 кунгача;

кучланиши 35 кВт ва ундан юқори бўлган электр қурилмалари учун – шартномага мувофиқ.

Кучланиши 1 кВт гача бўлган ташқи электр

таъминоти бўйича пудрат ишлари электр таъминоти корхонаси томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Пудрат ташкилоти пудрат ишлари тугагандан сўнг «бир дарча» хизматига бу ҳақда маълум қилади ва у ўз навбатида бир иш куни давомида «Ўздавэнегрозорат» инспекциясининг ҳудудий бўлимига пудрат ишларининг тугаганлиги ҳамда электр қурилмалар кўрикдан ўтказилиб, эксплуатация қилишга рухсат бериш тўғрисидаги далолатнома берилиши лозимлиги ҳақида ёзма хабар беради. Кўрикдан ўтказишнинг аниқ куни ҳамда вақти истеъмолчи билан келишилади. Илгари 10 кВт дан 50 кВт гача қувватли электр қурилмаларини эксплуатация қилишга далолатнома олиш учун истеъмолчи ариза билан «Ўздавэнегрозорат» инспекциясининг ҳудудий бўлимига муурожаат этар эди.

«Бир дарча» хизмати хабар берган вақтдан бошлаб 3 иш куни мобайнида «Ўздавэнегрозорат» инспектори электр қурилмаларини кўрикдан ўтказиб, эксплуатация қилишга рухсат бериш тўғрисида тегишли далолатномани истеъмолчи ҳамда пудрат ташкилотининг ва ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакиллари иштирокида расмийлаштиради. Янги Низомда аниқлаштирилишича, кучланиши 1 кВт гача ва қуввати 10 кВт гача бўлган электр қурилмаларини улашда уларни эксплуатацияга қабул қилиш кўриги ўтказилмайди ва далолатнома тузилмайди.

Бундай ҳолларда истеъмолчининг электр таъминоти корхонасига аризи мажбурият тақдим этиши кифоядир.

Агар электр қурилмалари кўрикдан ўтказилаётганда ҳеч қандай камчиликлар аниқланмаса, инспектор шу куннинг ўзида электр қурилмаларини эксплуатация қилишга рухсат берилиши ҳақидаги далолатномани 3 нусхада расмийлаштиради. Далолатноманинг битта нусхаси истеъмолчига, иккинчиси электр тармоқлари корхонасининг вакилига кейинчалик электр таъминоти шартномасини тузиш учун топширилади.

Электр таъминоти шартномаси тузилгандан кейин истеъмолчи электр энергиясидан фойдаланиши мумкин. Истеъмолчининг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш ва уларга кучланиш бериш истеъмолчининг раҳбари ёки электр хўжалигини хавфсиз эксплуатация қилиш учун жавобгар шахс иштирокида электр таъминоти корхонаси томонидан амалга оширилади. Уларнинг ва электр таъминоти корхонаси ходимларининг иштирокисиз электр қурилмаларни улаш тақиқланади.

Сардор ЖУМАШОВ,
эксперт-юристиниз.

МДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	11.02.2013	1	0,7848	1	1,0496	1	0,0260
Арманистон	8.02.2013	1	406,10	1	544,78	1	13,47
Беларусь	11.02.2013	1	8650,00	1	11 580,00	1	287,00
Грузия	11.02.2013	1	1,6561	1	2,2213	100	5,4915
Козогистон	11.02.2013	1	150,54	1	201,83	1	4,99
Қирғизистон	11.02.2013	1	47,9688	1	64,3286	1	1,5906
Латвия	12.02.2013	1	0,525000	1	0,702804	1	0,017400
Литва	11.02.2013	1	2,5767	1	3,4528	1	0,085373
Молдова	11.02.2013	1	12,0356	1	16,1422	1	0,399
Россия	9.02.2013	1	30,1575	1	40,4171	–	–
Тожикистон	11.02.2013	1	4,7563	1	6,3254	1	0,1588
Украина	11.02.2013	100	799,3000	100	1068,9838	10	2,6504
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 12 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2070,58	1 Малайзия ринггити	649,04
1 Англия фунт стерлинги	3176,13	1 Польша злотийси	647,89
1 Дания кронаси	360,32	1 СДР	3081,49
1 БАА дирҳами	547,27	1 Туркия лираси	1136,02
1 АҚШ доллари	2010,08	1 Швейцария франки	2189,15
1 Миср фунти	299,38	1 ЕВРО	2719,99
1 Исландия кронаси	15,66	10 Жанубий Корея вони	18,35
1 Канада доллари	2001,87	10 Япония иенаси	217,31
1 Хитой юани	322,53	1 Россия рубли	66,65
		1 Украина гривнаси	251,48

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Электрон ҳужжат «электрон ҳукумат»нинг таркибий қисми

✓ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

– Электр тармоғига уланиш тартиби ўзгарди

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Раҳбарлар ўзгариб турса-да, ўринбосар ўз жойида қолади

– Ногиронни ишга жойлаштириш хусусиятлари

– Таътил эмас, балки стаж камаёди

– Ўзи ва ходими учун

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

– «Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида».

Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:

4, 7-бетлар

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солигини тўлаш тартиби, тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Чакана савдо тармоғида сотиладиган олтидан ишланган заргарлик буюмларига акциз солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2013 йил 2 февралдан 8 февралгача бўлган маълумот.

✓ ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ

– Ажрашиш борасида қизиққонлик қилманг

8-бет

УЛГУРЖИ САВДОНИНГ ЎЗ ҚОИДАЛАРИ БОР

Асосий фаолият тури улгуржи савдо бўлган МЧЖ ўзининг почта манзилини Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидан Мирзо Улуғбек туманига ўзгартиришга қарор қилди. Биз бундай ҳолатда қайта рўйхатдан ўтишимиз ва улгуржи савдога оид муддатсиз лицензияни қайта расмийлаштиришимиз керакми?

– Почта манзили ўзгарган тақдирда таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш шарт эмас. Чунончи, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатида олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида низомнинг¹ 36-бандига асосан **тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар ўз почта манзили ўзгарган тақдирда 10 кун муддатда бу ҳақда**

рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бунда давлат божи олинмайди. Рўйхатдан ўтказувчи органлар хабарномани олгандан бошлаб 2 кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат солиқ ва статистика органларини хабардор қилади.

Бироқ, Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомнинг² 23-бандига кўра

улгуржи савдога оид лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганлиги улгуржи савдони амалга ошириш фаолиятига оид лицензияни қайта расмийлаштириш учун асос ҳисобланади. Лицензияни қайта расмийлаштиришни жойлашган жой (почта манзили) ўзгаргандан кейин бир ой мобайнида амалга ошириш лозим, бунда лицензияловчи органга почта манзили ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, ижара шартномаси, кадастр ҳужжатлари нусхаси ва бошқалар) илова қилинган ҳолда ариза берилиши керак.

Лицензияни қайта расмийлаштиришни лицензияловчи орган уларни олган кундан бошлаб 2 кун мобайнида амалга оширади. Бунда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг

ярми миқдорида йиғим ундирилади. Лицензия қайта расмийлаштирилишига қадар МЧЖ унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Эътиборлиси шуки, **улгуржи савдони лицензияни қайта расмийлаштирмасдан амалга ошириш лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка олиб келади.** Чунончи, Солиқ кодексининг 117-моддасига кўра фаолият турларини лицензиясиз амалга ошириш **фаолиятнинг ушбу турларини лицензиясиз амалга ошириш даврида олинган соф фойда миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг**



50 бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Бундан ташқари, лицензияланадиган фаолият билан махсус рухсат олмасдан туриб шуғулланиш маъмурий жавобгарликка – фуқароларга ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда, **мансабдор шахсларга эса ЭКИХнинг 10 бараваридан 15 бараваригача жарима солишга сабаб бўлади** (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165-моддаси).

ҚАРЗЛАР ЗАНЖИРИНИ ҚАНДАЙ УЗСА БЎЛАДИ

Мол етказиб берувчи корхонамизга нисбатан хом ашё учун қарзимиз бўйича даъво аризаси тақдим этди. Суднинг қарори билан пул маблағларимиз ва мол-мулкимизга банд солинди. Яқин вақт ичида суд ижрочилари кейинчалик реализация қилиш учун мол-мулкимизни хатлашни бошлашмоқчи.

Айни вақтда биз ўзимиз ишлаб чиқарган маҳсулот етказиб берилгани учун муддати ўтган дебиторлик қарзига эгамиз, мол-мулкимизни сақлаб қолиш учун у бемалол етади.

Бироқ ҳисобрақамимизда пул бўлмаганлиги боис уни ундириш тўғрисида судга мурожаат қила олмаймиз.

Агар давлат божини тўлаш учун пул бўлмаса, қарзни ундириш учун қандай қилиб судга мурожаат қилиш мумкин? Бундай вазиятда мол-мулкни сақлаб қолишнинг бирор-бир имконияти борми?

– Аввало дебиторлик қарзини ундиришга даъво аризаси бериш тўғрисида айтиб ўтсак. Давлат божини тўлаш учун маблағ йўқ бўлган тақдирда ҳам даъво билан судга мурожаат қилиш мумкин. Чунончи, Солиқ кодекси 337-моддасининг йигирма олтинчи қисмида назарда тутилишича, **пул маблағлари мавжуд бўлмаганлиги хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, хўжалик суди давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат бериши мумкин.** Банк тасдиғида хўжалик судига мурожаат қилинган санадан кўпи билан 3 кун олдинги сана белгиланиши керак. Хўжалик процессуал кодекси 91-моддасининг тўртинчи қисмига кўра **хўжалик суди** алоҳида ҳолларда **даъвогарнинг аризасига кўра унинг мулкий аҳволига қараб, давлат божини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат беришга ҳақли.** Аризада (илтимосномада) тўлашни кечиктириш учун асослар кўрсатилиши ва унга хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумотномаси, мавжуд бўлса иккиламчи ва манфаатдор тарафнинг мулкий аҳволи даъво аризаси берилганда белгиланган тартибда давлат божини тўлаш имконини бермаслигини тасдиқлайдиган бо-

шқа ҳужжатлар илова қилиниши керак. Одатда бундай илтимоснома даъво аризаси билан бирга берилади ёки унда баён қилинади.

Давлат божи тўлашни кечиктириш фақат объектив асослар бўлганда ва ҳужжатлар давлат божи тўлаш учун етарли бўлган пул маблағлари банк ҳисобрақамларида мавжуд эмаслигини тасдиқлаган ҳоллардагина берилади. Бундай ҳужжатлар бўлмаганида илтимосномани қаноатлантириш рад қилинади¹.

Корхонанинг мол-мулкни сақлаб қолиш масаласига жавоб топишда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун (29.08.2001 йилдаги 258-II-сон) 48⁵-моддасининг қоидаларига эътибор беринг. Унинг биринчи қисмига биноан **ундирувни қарздорнинг дебиторлик қарзига қаратиш амалда етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар бўйича, шу жумладан, мулк ижараси шартномаси ва бошқа шартномалар бўйича, шунингдек қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро ҳужжати бўйича қарздорга тўланиши лозим бўлган пул маблағларини дебитор қарздорнинг ҳисобварақларидан**

низосиз тартибда ҳисобдан чиқариш орқали амалга оширилади.

Ундирувни қарздорга амалда етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар бўйича дебитор тўлаши лозим бўлган пул маблағларига қаратиш қарздор ўз дебитори билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштира далолатномасини тақдим этган тақдирда амалга оширилади. Агар дебитор ушбу ҳужжатни имзолашдан асоссиз бош торган тақдирда, қарздор бир томонлама имзоланган солиштира далолатномаларини дебиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда суд ижрочисига тақдим этишга ҳақли. Уни олгач, суд ижрочиси дебиторга унинг кредиторлик қарзи мавжудлиги ҳақида имзолаш учун солиштира далолатномани ва қарздор томонидан тақдим этилган, ушбу қарзнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма билдиришнома юборади.

Уларни олгач, дебитор 3 кун ичида солиштира далолатномани имзолаши ёки унда кўрса-

тилган қарзнинг йўқлигини асослаган ҳолда рад жавобини тақдим этиши шарт. Агар дебитор томонидан тан олинган қарз суммаси далолатномада кўрсатилганидан фарқ қилса, дебитор ўша муддатда суд ижрочисига ўзи тан олган суммани кўрсатган ҳолда солиштира далолатномани тақдим этиши шарт.

Қарздор ва унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштира далолатномаси у суд ижрочисига тақдим этилгунига қадар 3 ойдан ўтиб кетмаган санага тузилган бўлиши керак. Суд ижрочиси далолатнома асосида дебиторнинг ҳисобварақларига қарздорнинг қарзи суммасини дебиторнинг қарздор олдидаги қарздан ошмайдиган миқдорда ундириш тўғрисида инкассо топшириқномасини тақдим этади.

Ундирув қуйидаги ҳолларда дебиторлик қарзига қаратилмайди:

уни ундириш учун даъво муддати ўтган бўлса;

қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро ҳужжати Суд департаменти органининг иш юритишида бўлса ёки уни ижрога тақдим этиш муддати ўтган бўлса ёхуд ушбу ижро ҳужжати бўйича ижро ҳаракатлари белгиланган тартибда тўхтатиб турилган, тугатилган ёки кечиктирилган (бўлиб-бўлиб ижро этилган) бўлса;

дебитор ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан шартнома тузилмаган чет давлатда турган бўлса;

дебитор тугатилиш жараёнида бўлса ёки унга нисбатан банкротлик таомили жорий этилган бўлса;

дебитор ўз фаолиятини тугатган ва юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқарилган бўлса.

Шу тариқа, ундирувни корхонангизда мавжуд бўлган дебиторлик қарзига қаратиб, суд қарори бўйича ундирилган қарзни сўндириш мумкин.

Реклама

Турли конфигурациядаги
ихтисослашган мобил
ВАГОНЧАЛАРНИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Тўлов - пул ўтказиш йўли билан



Маҳсулот сертификатланган
(+99871) 253-39-99, (+99890) 327-48-39
E-mail: julia@modul-stroy.uz

¹ОХС Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» қарори (18.04.2008 йилдаги 180-сон) 7.1 ва 7.2-бандлари.

ПРОГУЛ ИШДАН БЎШАТИШ МАҚОМИНИ ЎЗГАРТИРИШИ МУМКИН

Ходим меҳнат шартномасини ўз хоҳишига кўра бекор қилиш тўғрисида ариза берди. Икки ҳафталик ишлаб бериш вақтида у ишга кечикиб келадиган, вақтидан олдин ўзбошимчалик билан ишдан кетадиган, ишга маст ҳолатда келадиган бўлиб қолди, ҳафта ўртасида эса умуман ишга чиқмади. Иш берувчи унга нисбатан таъсир чораларини қўллашга ҳақлими? Касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

– Ходимнинг меҳнат шартномасини ўзининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида ёзма ариза бериши (Меҳнат кодексининг 99-моддаси) қонун билан белгиланган асослар бўлганда у билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш имкониятини истисно этадиган ҳолат деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Агар ходим меҳнат интизомини оғоҳлантириш муддати (икки ҳафта) мобайнида бузса, у белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги, масалан, прогул қилганлиги учун меҳнат шартномасини иш берувчи ўз ташаббуси билан бекор қилиши

мумкин (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди).

Шу боис меҳнат шартномасини ўз хоҳиши билан бекор қилиш тўғрисида ариза берган ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши ва корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларининг барча талабларига амал қилиши шарт (МКнинг 99, 176-моддалари).

РАҲБАРЛАР ЎЗГАРИБ ТУРСА-ДА, ЎРИНБОСАР ЎЗ ЖОЙИДА ҚОЛАДИ

Мен бўлим бошлиғи бўлиб ишлайман. Кейинги вақтда корхона раҳбари тез-тез ўзгаряпти, менга эса ҳар гал унинг вазифаларини вақтинча бажаришга тўғри келяпти. Ўринбосарлар йўқ, чунки бу лавозимлар бўш турибди.

Ушбу маълумотларни меҳнат дафтарчасига киритиш керакми? Бу қанча вақт давом этиши мумкин, зеро мен бундай режимда 6 ойдан кўпроқ вақтдан бери ишляпман?

М.Раҳимов,
Тошкент шаҳри.

– Амалдаги Меҳнат кодекси-га (МК) кўра иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт (МК 81-моддасининг учинчи қисми).

Бошқа ишга ўтказишларнинг барчаси доимий бошқа ишга ўтказиш ҳамда вақтинча бошқа ишга ўтказишга бўлинади (МКнинг 92–95-моддалари). Сизнинг ҳолатингизда сўз бошқа ишга вақтинча ўтказиш тўғрисида боряпти.

МКнинг 93-моддасига мувофиқ ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади (масалан, раҳбар йўқ бўлган ёки у тайинланишигача

бўлган вақтга). У вақтинча йўқ бўлган ходимнинг ўрнини босиш учун; бекор туриб қолинганда; вақтинча ўринбосарликда; саломатлик бўйича ва бошқа ҳолларда амалга оширилиши мумкин. Келишилган муддат тугаганидан кейин иш берувчи ходимга аввалги ишни бериши шарт. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида вақтинча бошқа ишга ўтказиш уларнинг сони билан эмас, балки фақат муддати билан чекланади. Яъни у бир неча маротаба амалга оширилиши мумкин.

Этиборингизни вақтинча бошқа ишга ўтказишга МК 95-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда (ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз) йўл

қўйилишига қаратамиз. Ушбу даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меҳнат дафтарчасига вақтинча бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги ёзувни сўзсиз киритишни назарда тутмайди (МК 81-моддасининг учинчи қисми). Бироқ агар сизга мазкур ахборот кейинги ишга жойлашиш чоғида зарур бўлса, иш жойидаги кадрлар бўлимига сизнинг раҳбар вазифаларини бажарувчи ёки вақтинча бажарувчи лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ ёки маълумотноманинг тасдиқланган нусхасини беришларини илтимос қилиб мурожаат этишингизни тавсия қиламиз.

Меҳнат органи корхона учун белгиланган иш ўринларининг энг кам сони ҳисобига бизга II гуруҳ ногиронини юборди. Уни ишга расмийлаштираётганда бир савол туғилди: у билан тузиладиган меҳнат шартномасида иш вақтининг қисқартирилган муддати тўғрисидаги шарт ва унга бериладиган бошқа имтиёزلарни қайд этиш керакми?

Н.Иброҳимова, кадрлар бўйича инспектор.
Тошкент шаҳри.

НОГИРОННИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ



– Ҳа, II гуруҳ ногирони билан меҳнат шартномасида унинг ишлаш шарт-шароитлари хусусиятларини қайд этиш керак.

Ногиронларни (жисмоний имкониятлари чекланган шахсларни) ишга расмийлаштириш Меҳнат кодекси (МК) билан умумбелгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда иш берувчи улар меҳнат шарт-шароитлари хусусиятларини ва МК ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган кафолатларни билиши керак, айнан улар меҳнат шартномасида кўрсатилиши лозим. Чунончи:

I ва II гуруҳ ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади (МКнинг 116, 120-моддалари). Тегишинча, меҳнат шартномасида МКнинг 220-моддасига асосан ногирон 8 соат давом этадиган иш куни учун назарда тутилган ҳақ тўланган ҳолда 7 соат давом этадиган қисқартирилган иш кунилик ишга қабул қилинишини қайд этиш зарур; ногиронларга таътил биринчи иш йили учун 6 ой ишлангандан кейин, уларнинг хоҳишига кўра

ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак (МКнинг 143, 144-моддалари); йиллик узайтирилган асосий таътил камида 30 календарь кунга берилади (МКнинг 135, 220-моддалари);

ногироннинг хоҳишига кўра унга ҳар йили иш ҳақи сақланмаган ҳолда 14 календарь кунга қадар таътил берилиши мумкин (МКнинг 150-моддаси).

Ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади (МКнинг 220-моддаси).

Шу сабабли фуқароларнинг юқориқроқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифалари (18 ёшга тўлмаган шахслар, ногиронлар, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан банд шахслар) учун белгиланган, улар иш шарт-шароитлари хусусиятлари ва кафолатларини меҳнат шартномасида қайд этиш керак (МКнинг 73-моддаси).

Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00842-сон лицензия.
ЎЗР АБВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон қонунномаси.

Ўзбекистон
Республикасидаги
барча хўжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик
текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли
аудиторларни ишга қабул
қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99899) 187-04-68, (+99894) 644-62-23,
296-55-78; факс (8371) 296-52-15

ЯКШАНБАДА ИШДАН БЎШАТИЛГАНДА

Ходимларни байрам ва дам олиш кунларида ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш мумкинми?

Кадрлар бўлими бошлиғининг ўринбосари.

– Одатда иш ҳафтасининг тури (икки кун дам олинандиган 5 кунлик иш ҳафтаси ёки бир кун дам олинандиган 6 кунлик иш ҳафтаси) ва кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати, ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, сутка давомидаги сменалар сони, иш кунлари ҳамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмашилиши, ходимларнинг сменадан сменага ўтиш тартиби корхонада локал норматив ҳужжатлар – ички меҳнат тартиби қоидалари билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади (Меҳнат кодекси (МК)нинг 120-моддаси).

5 кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш куни, 6 кунлик иш ҳафтасида эса бир дам олиш куни берилади. Умумий дам олиш куни якшанбадир (МКнинг 129-моддаси). Одатда дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлаш ман этилади (МК 130-моддасининг биринчи қисми, 132-моддасининг биринчи қисми).

Қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Ходим шартномада белгилаб қўйилган кундан бошлаб ўзининг меҳнат вазифаларини бажаришга киришмоғи лозим.

МК 83-моддасининг иккинчи қисмига

кўра, агар меҳнат шартномасида ишнинг бошланиш куни белгиланмаган бўлса, ходим меҳнат шартномаси кучга кирган куннинг эртасидан, яъни у имзоланган иш кунининг энг яқин санасидан бошлаб ишга тушмоғи лозим.

Масалан, агар шартнома дам олиш (масалан, жума) ёки байрам куни арафасида имзоланган бўлса, ходим ишга ундан кейинги биринчи иш кунида (яъни душанбада) тушиши керак. Ходимнинг иш жадвалида иш кунлари деб қайд этилган ҳоллардагина уни дам олиш ёки ишланмайдиган байрам кунида ишга қабул қилиш мумкин.

Ишдан бўшатишга келсак, МК 107-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш куни бўлиб ишнинг охири куни ҳисобланади, яъни у дам олиш кунига (5 кунлик иш

ҳафтасида – шанба ва (ёки) якшанбага) тўғри келиши мумкин эмас.

Бироқ ходим амалда ишламаган, бироқ қонунга асосан иш ўрни сақланадиган истисно ҳоллар мавжуд. Чунончи, кейинчалик ишдан бўшатиш билан таътил берилганда меҳнат шартномасини бекор қилиш куни бўлиб таътил тугаган кун ҳисобланади (МК 152-моддасининг биринчи қисми). Бунда агар у дам олиш ва (ёки) байрам (ишланмайдиган) кунларига тўғри келса, меҳнат муносабатлари улардан кейинги иш кунида бекор қилинади.

Меҳнат шартномасини ўз хоҳиши билан бекор қилиш куни бўлиб ходим касаллик варақасига чиққан ёки таътилда бўлган кун ҳисобланиши мумкин.

Ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда ёки ундан аввал ҳам чиқарилиши мумкин. Ва у раҳбар томонидан фақат иш кунида имзоланиши керак.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юристимиз.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ-МЕЎЕРИЙ ХУЖЖАТЛАР:

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Чакана савдо тармоғида сотиладиган олтиндан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

• **МЕЎЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 2 ФЕВРАЛДАН 8 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ СОТИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 11 февраль, 6-сон, 66-модда)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирдан-бир қонуний тўлов воситаси бўлмиш миллий валютанинг мақомини янада мустаҳкамлаш, нақд хорижий валютанинг муомала доирасини тартибга солиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни сўзсиз бажариш, шунингдек валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш механизминини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг 2013 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – жисмоний шахсларга ваколатли банклар томонидан хорижий валютани халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақдсиз шаклда сотиш механизминини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – жисмоний шахсларга нақдсиз хорижий валютани сотиш ваколатли банклар ва уларнинг филиаллари биноларида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг резиденти – жисмоний шахс ваколатли банкда ўрнатилган тартибда халқаро тўлов картасини очади;

Ўзбекистон Республикасининг резиденти – жисмоний шахс хорижий валютани сотиб олиш учун ваколатли банкка шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, яшаш гувоҳномаси ёки ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий билет)ни, шунингдек валюта айирбошлаш операциясини амалга ошириш учун депозит ҳисобида миллий валютадаги зарур пул маблағлари мавжуд бўлган шахсий пластик банк картасини тақдим этади;

ваколатли банк шахсий пластик банк картасида миллий валютадаги пул маблағлари етарли эканлигини текширади, хорижий валютани операция амалга оширилган кун белгиланган айирбошлаш курси бўйича халқаро тўлов картасига ўтказиш ҳамда жисмоний шахсга хорижий валютани сотиб олганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги маълумотномани беради.

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – жисмоний шахслардан ва норезидентлардан хори-

жий валютани сотиб олиш ваколатли банклар томонидан, қоида тариқасида, ваколатли банклар ва уларнинг филиаллари биноларида, аэропортларда, темир йўл вокзалларида, меҳмонхоналарда, ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқароликни белгилаш бошқармалари (бўлимлари)да, шунингдек божхона постларида жойлашган айирбошлаш шохобчалари орқали чекланмаган миқдорда амалга оширилади.

3. Хорижий валютани жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш тартиби ҳамда айирбошлаш шохобчалари тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур Низом 2013 йил 1 февралдан бошлаб кучга киради.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатли банклар билан биргаликда:

валюта айирбошлаш операциялари билан шуғулланувчи банкларнинг тегишли бўлинмаларида аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш учун лозим бўлган шарт-шароитлар яратилишини таъминласин;

халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан хорижий валютани сотиб олиш ва уларга сотиш тартиби ҳамда механизми тўғрисида аҳолини кенг кўламда ва тўлиқ хабардор қилиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқ ҳолга келтирсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2013 йил 30 январь
ПҚ-1914-сон.

*Илова берилмайди.

АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТЛАР ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИГА ЯНГИ НАМУНАДАГИ АКЦИЗ МАРКАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 11 февраль, 6-сон, 68-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сон қарорига мувофиқ ҳамда алкогольли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик юзасидан назоратни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2013 йил 1 апрелдан бошлаб алкогольли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларига дизайни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, қўшимча ҳимоя даражаларига эга бўлган янги намунадаги акциз маркалари жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган ҳамда улгуржи ва чакана савдо тармоқларида бўлган алкогольли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари янги намунадаги акциз маркалари жорий этилган кундан бошлаб тўққиз ой ўтгандан кейин маркаланмаган деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда олиб қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси 2014 йил 1 январдан бошлаб, белгиланган тартибда эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган ҳамда улгуржи ва чакана савдо тармоқларида бўлган алкогольли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларини аниқлаш, четдан келтириш, уларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг олдини олиш, шунингдек ушбу маҳсулотларни олиб қўйиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмита-

си алкогольли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларининг импорт қилувчиларини янги намунадаги акциз маркалари жорий этилганлиги тўғрисида хабардор қилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда уларни сотувчи савдо корхоналарини янги намунадаги акциз маркалари жорий этилганлиги тўғрисида хабардор қилсинлар;

янги намунадаги акциз маркалари жорий этилганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 8-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида четдан келтириладиган ва республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2013 йил 5 февраль
27-сон.

ЎЗР ВМнинг 2013 йил 5 февралдаги 27-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛАДИГАН ВА РЕСПУБЛИКАНИНГ ЎЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАРГА АКЦИЗ МАРКАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 4-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги «олти» сўзи «тўққиз» сўзи билан алмаштирилсин.

2. 8-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «тўланганлиги» сўзи «тўланганда» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «қийматини ва акциз солиғининг барча суммасини» сўзлари «қиймати ва акциз солиғининг барча суммаси тўланганда» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Акциз маркалари «Агробанк» ОАТБ минтақавий

бўлимлари томонидан қуйидагиларга берилади:

алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларини импорт қилувчиларга – буюртманомада Давлат божхона қўмитасининг бутун акциз солиғи суммаси, шунингдек буюртма берилган акциз маркалари сонининг тегишли номинал қиймати тўланганлиги тўғрисидаги белгилари мавжуд бўлган тақдирда;

алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларига – буюртманомада «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси Босма фабрикасининг буюртма берилган акциз маркалари сонининг тегишли номинал қиймати тўланганлиги тўғрисидаги белгиси мавжуд бўлган тақдирда».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН ТАБИЙ ГАЗГА АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилган.
Рўйхат рақами 2310-1.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 11 февраль, 6-сон, 82-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияладиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 29-сон, 327-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва

Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 12 декабрдаги 79, 2011-37-сонли қарори (рўйхат рақами 2310, 2012 йил 9 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 2-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича

ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлариغا йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.».

2. Мазкур қарор «Ўзбекнефтегаз» МХК билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
5-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2013-3-сон

Тошкент ш., 2013 йил 17 январь.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

**ЧАКАНА САВДО ТАРМОҒИДА СОТИЛАДИГАН ОЛТИНДАН ИШЛАНГАН ЗАРГАРЛИК
БУЮМЛАРИГА АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилган.
Рўйхат рақами 2328-1.**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 11 февраль, 6-сон, 83-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияладиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 29-сон, 327-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва

Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 3 февралдаги 12, 2012-7-сонли қарори (рўйхат рақами 2328, 2012 йил 16 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 7-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Чакана савдо тармоғида сотиладиган олтиндан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
4-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2013-2-сон

Тошкент ш., 2013 йил 17 январь.

ЎзР МВ, ДСҚнинг 2013 йил 17 январдаги 4, 2013-2-сон қарорига
ИЛОВА

**ЧАКАНА САВДО ТАРМОҒИДА СОТИЛАДИГАН ОЛТИНДАН ИШЛАНГАН ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИГА
АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«9. Солиқ ва ҳисобот даври йил чорагидир.».

2. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«17. Тўловчилар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига Заргарлик буюмларига акциз солиғи ҳисоб-китобини йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечик-

тирмай, ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда тақдим этади.».

3. 3-иловада:

«Солиқ даври» деган сўзлар «Календарь йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
номидан «(микрофирма ва кичик корхоналар учун)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА
ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ
ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 2 ФЕВРАЛДАН 8 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Ўтказма ва оддий векселлар тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 24 январдаги 2/5-сонли қарори.

**2013 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди,
рўйхат рақами 147-1.**

2. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари Классификаторига қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013

йил 23 январдаги 3-Б-сонли буйруғи.

2013 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2421 (2013 йил 15 февралдан кучга киради).

3. «Қон ишлатиш билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган тиббий буюм ва асбоблар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2013 йил 28 январдаги 16-сонли буйруғи.

2013 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2422.

4. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2013 йил 21 январдаги 1, 4-қ/қ, 7-сонли қарори.

2013 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2423.

5. «Шаҳар электр транспортида ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 8 январдаги 1-Б-сонли буйруғи.

2013 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2424.

6. «Экспорт-импорт юklarини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 1, 11, 01-02/15-12-сонли қарори.

2013 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 428-6.

7. «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (3-сонли СММС) «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ текширувлари ўтказиш вақтида солиқ маслаҳати

бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 8 январдаги 3-сонли буйруғи.

2013 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2425.

8. «ЎзДЭУ авто» АЖда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг жисмоний шахслар ўртасидаги олди-сотди қилишда уларни комиссия баҳолаш қоидаларини ўзгаришга кўчирган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2013 йил 19 январдаги 10-сонли буйруғи.

2013 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 529-1.

9. «Ҳисоб рақамлар очиш, миқдорлар ҳисоб рақамларидан маблағларни ўтказиш ва кўчириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 24 январдаги 2/4-сонли қарори.

2013 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1044-2.

10. «Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 17 январдаги 5, 2013-3-сонли қарори.

2013 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2310-1.

11. «Чакана савдо тармоғида сотиладиган олтиндан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 17 январдаги 4, 2013-2-сонли қарори.

2013 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2328-1.

12. «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 7 январдаги 2-сонли буйруғи.

2013 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1882-3.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. «Ўтказма ва оддий векселлар тўғрисидаги низом» (рўйхат рақами 147, 1995 йил 31 май). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2013 йил 5 февралдаги 30-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

2. «Қон билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган тиббий анжом ва ускуналар рўйхати», 1-сон қўшимчалар (рўйхат рақами 1784, 2008 йил 4 апрель), (рўйхат рақами 1784-1, 2009 йил 23 октябрь). Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2013 йил 5 февралдаги 33-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

3. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга

оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорида ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» қарор (рўйхат рақами 2388, 2012 йил 10 сентябрь). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2013 йил 5 февралдаги 34-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

4. «ЎзДЭУ авто» АЖда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг жисмоний шахслар ўртасидаги олди-сотди қилишда уларни комиссия баҳолаш қоидалари» (рўйхат рақами 529, 1998 йил 11 ноябрь). «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2013 йил 8 февралдаги 38-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

6 ЙИЛ ДАМ ОЛМАСДАН ИШЛАДИНГИЗМИ? – КОМПЕНСАЦИЯ ТАЛАБ ҚИЛИНГ

Мен корхонада 19 йил ишладим. Кейинги 6 йилда менга турли сабабларга кўра меҳнат таътили беришмади. Яқинда ўз хоҳишимга кўра бўшатишлари тўғрисида ариза ёздим. Менга фойдаланилмаган барча меҳнат таътиллари учун пул компенсацияси тўлашлари керакми? Бухгалтерияда менга фақат 3 йил учун ҳақ тўлашларини, чунки қолган йиллар бўйича даъво муддати тугаганлигини айтишди. Шу тўғрими?

Валера.

Бухгалтериянгиз ноҳақ. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади (Меҳнат кодексининг (МК) 151-моддаси). Шу сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинганда иш берувчи сизга муддатни чекламасдан бутун иш вақти учун фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун пул компенсацияси тўлаши шарт. Шу сабабли уни тўлашни талаб қилинг, ёзма равишда тасдиқлангангиз маъқулроқ.

Бундан ташқари, иш ҳақини ундириш тўғрисида низо келиб чиққан тақдирда, меҳнат низоларини кўрувчи орган ходимнинг пул ундиришга доир фойдаланилмаган таътил учун ходимга тегишли бўлган компенсацияни тўлаш тўғрисидаги талабларини тўлиқ қондиради (МКнинг 275-моддаси).

Нима учун бухгалтер даъво муддатини рўқач қилган – буни тушуниш қийин. Зеро **даъво муддати** – шахс ўзининг поймол этилган ҳуқуқини суд тартибида ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддат. Ахир бухгалтерия даъволарни кўриб чиқмайдику.

Эътиборингизга қуйидагиларни маълум қиламиз. Даъво муддатининг умумий муддати 3 йилни ташкил қилади. Бироқ айрим турдаги талаблар учун даъво муддатининг махсус – қисқартирилган ёки янада узоқроқ муддатлари белгиланган.

Чунончи, МКнинг 270-моддасида судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

- ишга тиклаш низолари бўйича – ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб **1 ой**;

- ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича – зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб **1 йил**;

- бошқа меҳнат низолари бўйича – ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб **3 ой**.

Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан

қайта тикланиши мумкин.

Шу тариқа, суд ёки меҳнат низолари комиссиясига фойдаланилмаган йиллик таътиллари учун пул компенсацияси тўлаш тўғрисидаги низолар бўйича мурожаат қилиш муддати ходим ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши керак бўлган кундан (сизнинг ҳолатингизда – барча фойдаланилмаган таътиллари учун пул компенсациясини тўлаш рад этилган кундан) бошлаб 3 ойни ташкил этади.

Айни вақтда Фуқаролик кодексининг 153-моддасида белгиланишича, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўллаб-қўйилиши керак.

Ходимлар меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича судга мурожаат қилганларида суд харажатларини тўлашдан озод этиладилар (МКнинг 277-моддаси).

Ленара ХИКМАТОВА,
юрист.

ТАЪТИЛ ЭМАС, БАЛКИ СТАЖ КАМАЯДИ

Ўтган йили мен раҳбариятнинг розилиги билан 3 ойга иш ҳақи сақланмайдиган таътил олдим. Ушбу давр ҳар йилги ҳақ тўланадиган меҳнат таътили кунларининг сони ҳисоб-китобида чегириладими?

Х.Исомиддинов.

– Йўқ, чегирилмайди. Иш берувчи ходимга тегишли ҳақ тўланадиган меҳнат таътилини ўзининг ташаббуси билан камайтиришга ҳақли эмас. Ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътил кунларининг сони ходимнинг аризасига кўра меҳнат шартномаси, штатлар жадвали, жамоа шартномаси (агар у корхонада мавжуд бўлса) ва иш берувчи томонидан тасдиқланган таътиллари жадвалига мувофиқ берилади (Меҳнат кодексининг (МК) 133–140-моддалари).

Бироқ шуни ҳисобга олиш лозимки, корхона ёки ташкилотнинг юқорида саналган локал ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшилмайди (МК 142-моддасининг иккинчи қисми). Бинобарин, агар ходим бундай таътилда бўлган бўлса, унинг иш йили иш ҳақи сақланмайдиган таътилда бўлиш даврига узайтирилади, бу ҳақда корхонанинг кадр хизмати юритиши шарт бўлган Т-2 шаклидаги карточкага белги қўйилиши керак.

Агар ушбу даврнинг охиригача ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинса, у таътилни ишланмаган кунлари учун олган пул маблағларини корхонага қоплашига тўғри келади. Иш берувчининг ташаббуси билан амалга

оширилиб, ходимлар сони (штати) ўзгаришига ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келган меҳнат шароитлари ўзгариши муносабати билан ёки корхонанинг тугатилиши муносабати билан; соғлиғининг ҳолати ёки малакасининг пастлиги туфайли эгаллаган лавозимга мувофиқ эмаслиги; армияга чақирилиши; илгари ушбу лавозимда ишлаган ходимнинг ишга тикланиши; ўқишга кирганлиги ёки пенсияга чиққанлиги муносабати билан (МК 164-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди) ишдан бўшатишлар бундан мустасно.

Эслатиб ўтамиз, «иш йили» тушунчаси «календарь йил»дан жиддий фарқ қилади, чунки унинг бошланиши ходимнинг меҳнат шартномасига мувофиқ корхонада биринчи иш куни ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган, таътилни ҳисоблаб чиқариш учун стажда ҳисобга олинмаган даврлар жами билан белгиланади. Чунончи, «иш йили»га икки ҳафтадан кўп муддатга бериладиган иш ҳақи сақланмайдиган таътилдан ташқари, болани парваришlash таътилида бўлиш, узрли сабабларсиз иш жойида бўлмаслик вақти ҳам, шу жумладан маъмурий ёки қамоқ тарзида жиноятга доир жазоланиш вақти кирмайди (МКнинг 142-моддаси).

Римма СОЛОДОВНИКОВА,
эксперт-юристимиз.

ҲУЖЖАТ ТИЛИ БИЛАН

142-модда. Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқариш.

Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қуйидагилар киради:

иш йили давомида ҳақиқатда ишланган вақт;
ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи (лавозими) сақланган вақт, бундан болани парваришlash учун қисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътиллари мустасно;

меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида қилинган ҳақ тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти ходим кейинчалик аввалги ишига тикланган бўлса;

тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари ва корхонанинг ўзга локал ҳужжатлари, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа даврлар.

Жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида, меҳнат шартномасида, хусусан, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда йиллик қўшимча таътиллари олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари назарда тутилиши мумкин.

150-модда. Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллари.

Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга – ҳар йили 14 календарь кунга қадар;

Уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар доираси ВМнинг 11.05.1994 йилдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган.

ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига – ҳар йили 14 календарь кунга қадар;
2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (234-модда);

12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар (232-модда);

меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.

ЎЗИ ВА ХОДИМИ УЧУН

Бўлимда 2 киши ишлайди – бўлим бошлиғи ва оддий ходим. Ходим меҳнат таътилига чиқди ва унинг ишини раҳбари бажарди.

Бўлим бошлиғи вақтинча ишда бўлмаган ходим ва иш ҳажмининг ошганлиги учун қўшимча ҳақ олишга ҳақлими? Унга бундай ҳолда Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низо татбиқ этиладими?

– **Ҳа, бўлим бошлиғи қўшимча ҳақ олишга ҳақли.**

Агар ҳисобот даврида ходимлар етишмаса, иш эса кўп бўлса, иш берувчи ушбу масалани Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низога (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – Низо) амал қилган ҳолда ўз вақтида ҳал этиши керак.

Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, бюджет ташкилотларида қўшимча ҳақ миқдори бир неча касб ва лавозимда ишлагандаги лавозим маошининг 30%идан юқори бўлиши мумкин эмас. Ушбу меъёр хизмат кўрсатиш доираси кенгай-

ганда ёки бажариладиган ишлар ҳажми ортганда ҳам қўлланилади (Низомнинг 25, 26-бандлари).

Бошқа мулкчилик шаклларида мансуб корхоналарда ходимларга бир неча касб ва лавозимда ишлаганлиги, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан биргаликда вақтинча бўлмаган ходимнинг вазифаларини бажарганлиги учун қўшимча ҳақ миқдори, агар ички меҳнат тартибида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, томонларнинг келишувига кўра белгиланади (Низомнинг 24-банди).

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,
эксперт-юристимиз.

АЖРАШИШ БОРАСИДА ҚИЗИҚҚОНЛИК ҚИЛМАНГ НИКОҲ ШАРТНОМАСИ БУНГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИККА ЁКИ ЛОАҚАЛ УНИ КАМРОҚ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ТАЛАФОТЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

ОАВ маълумотларига қараганда, Америка Қўшма Штатларида никоҳланаётган ҳар жуфтликнинг бешдан бири, Францияда – учдан бири никоҳ шартномаси тузади.

Никоҳ шартномасида оилавий муносабатларнинг кўпгина жиҳатлари назарда тутилиши мумкин. Чунончи, кино юлдузи Жейн Фонда ва медиа-магнат Тэдд Тернер имзолаган контракт 107 саҳифадан иборат. Унинг бандларидан бирида актриса ҳафтада икки маротаба эрига у ёқтирган картошка билан тўқмоқланган гўшт қовуриб бериши назарда тутилган.

Актёр Дасти́н Хофманнинг рафиқаси Лайза Готтзеген контрактда эрининг фильмлардаги ҳамкор аёллар билан ўпишишини тақиқлаган.

Юлдуз актёрлар Кэтрин Зета-Жонс ва Майкл Дуглас улар ажралишган тақдирда никоҳда яшалган ҳар бир йил учун аёл ҳар йили ундан 1 млн доллар олиши келишилган (аёл 3 млн доллар олишни талаб қилган эди, бироқ кўёвнинг адвокатлари бунга рози бўлмаганлар). Аёлига хиёнат қилгани учун эр 5 млн доллар жарима тўлаши белгиланган. Бироқ ажралишган тақдирда 12 минг доллардан қиммат бўлган барча тўй совғалари эрга тегишли бўлиши шартлашилган.

Ўзбекистонда никоҳ шартномаси институти ҳозирча оммалашмаган. Бизда тўйгача бирор нарсани бўлиб олиш одобдан эмас деб ҳисобланади, тўй тараддуди кезларида талоқ тўғрисида сўзлаш эса – «умуман ёмон аломат». Бизнинг ёш жуфтликларимиз учун энг асосийси ҳисобкитоб эмас, балки ҳис-туйғулардир. Ҳолбуки, агар севги чиндан ҳам самимий бўлса, эр-хотиннинг ҳар бири ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ҳужжат ҳеч нарсани ўзгартирмаслиги керак-ку! Балки биз никоҳ битимининг аҳамиятли томонларини баҳолай олмаётгандирми? Зеро эр-хотиннинг турмуши нафақат ҳаётини тажриба ва фарзандлар, балки мол-мулк билан ҳам мустаҳкамланади. Ажрашилган тақдирда бу мол-мулкни қонун бўйича ёки эр-хотин тузган шартномага биноан бўлишга тўғри келади. Албатта, буни тинч йўл билан қилишга нима етсин! Бироқ турмушда қўпинча мол-мулкни бўлишда ўзаро ҳафгарчилик, таъна-дашномлар, эътироз адоватлар ҳамроҳ бўлади.

Никоҳ шартномасини никоҳ рўйхатга олинишдан аввал ҳам, кейин ҳам тузиш мумкин. Биринчи ҳолда у никоҳ рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради. Никоҳ шартномаси фақат расман рўйхатга олинган никоҳда кучга эга. Фуқаролик иттифоқларига у татбиқ этилмайди.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Бошқа битимлардан фарқ қилиб, у иштирокчиларнинг шахси билан чамбар-

час боғланган, шу сабабли уни қонуний вакил ёки ишончнома орқали тузиб бўлмайди, фақат шахсан тузилади. Бироқ шартномани ишлаб чиқаётганда мутахассиснинг ёрдамига таянган маъқул, у баъзи нозик жиҳатларга эътибор беришни тавсия қилади.

Никоҳ шартномасини тузаркан, эр-хотин қонун билан белгиланган умумий биргаликдаги мулк режимини ўзгартиришга ва ўзининг эр-хотин бутун мол-мулки, унинг айрим турлари ёки улар ҳар бирининг мол-мулкига биргаликдаги, улушли ёки алоҳида-алоҳида эгалик қилиш режимини белгилашга ҳақлидир.

Қонунда назарда тутилишича, никоҳ вақтида орттирилган, шунингдек у рўйхатга олинганча бўлғуси эр-хотиннинг умумий маблағларига харид қилинган мол-мулк

Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулк ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилувчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади.
Ўзбекистон Республикаси
Оила кодекси, 29-модда.

уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади. Ажралиш ҳолатида у тенг бўлинади. Эр-хотиннинг бири никоҳгача ўз маблағларига харид қилган мол-мулк унинг эгалигида қолади.

Шартнома усули эр-хотиннинг мулк муносабатлари – уларнинг биргаликдаги хоҳишига кўра бошқарилишини назарда тутди. Масалан, улар ўзларининг умумий турар жойлари биргаликдаги мулк бўлиши, никоҳ даврида олинадиган ҳар қандай бошқа кўчмас мулк улушли мулкка кириши тўғрисида келишиб олишлари мумкин. Тадбиркорлик фаолиятидан олинган барча даромадлар ва дивидендлар эса уларни олган эр (хотин)нинг алоҳида мол-мулк деб тан олинади.

Эр-хотин никоҳ шартномасида никоҳ бекор қилинган тақдирда уларнинг ҳар бирига бериладиган мол-мулкни ҳам белгилашга ҳақлилар. Шартномага эр (хотин) никоҳгача орттирган мол-мулк у тузилгандан кейин биргаликдаги мулкка ўтиши тўғрисида банд киритилиши мумкин. Масалан, агар эрда квартира бор бўлса, ҳужжатга тегишли банд киритилгандан кейин унинг квадрат метрлари умумий мулкка айланади ва ажралганда тенг бўлинади.

Бироқ, масалан, никоҳ тузилган пайтдан бошлаб 15 йил мобайнида эр-хотиннинг ҳар бирига никоҳгача тегишли бўлган мол-мулк алоҳида-алоҳида мулк бўлиб

қолишда давом этиши, янги харид қилинган мол-мулк эса улушли эгаликка келиб тушиши назарда тутилиши мумкин. Аммо 15 йил ўтгач, никоҳ тузилишигача ва ундан кейин харид қилинган барча мол-мулк биргаликдаги эгаликка келиб тушади. Дарвоқе, муддат никоҳ шартномаси иштирокчиларининг хоҳиши бўйича белгиланади. Унинг шартлари ҳам шундай қилинади. Чунончи, эр ўзининг хотинига унга никоҳгача тегишли бўлган мол-мулкни бериши мумкин (агар ушбу банд никоҳ шартномасига киритилмаган бўлса, ажралишда у эрга қолади).

Никоҳ шартномаси унинг тарафларини ғоятда ноҳуш аҳволга солиб қўймаслиги ёки оила қонунчилигининг негиз бўладиган асосларига зид келмаслиги керак. Яъни у эр-хотиннинг бирига фақат мажбуриятлар юклаши, иккинчисига эса фақат ҳуқуқлар бериши мумкин эмас. Ўзаролик принциpidан келиб чиқиб, тарафларнинг ҳар бирида мажбурият ва ҳуқуқлар бўлиши керак.

Ўзбекистон қонун ҳужжатларига биноан **никоҳ шартномаси фақат мулк муносабатларни тартибга солади.** У эр-хотиннинг шахсий, номулк муносабатларини белгилаши мумкин эмас. Шахсий номулк ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг мазмуни Оила кодекси (ОК)нинг 4-боби ва Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 99-моддаси билан тартибга солинган ҳамда умумий қондага кўра тарафларнинг битими билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Никоҳ шартномаси уй ҳўжалигини юритиш мажбуриятлари, эр-хотиннинг ички шахсий ҳаёти, ажралгандан кейин болалар билан мулоқот ва ҳоказоларни тартибга солмайди. Бу шартнома эр-хотиннинг бирига иккинчисининг эркинлиги, иродаси, хоҳишини, яъни Фуқаролик кодекси шахсий номулк муносабатларга киритадиган барча нарсаларни чеклаш ҳуқуқини бермайди.

Ўзбекистонда никоҳ шартномасида аёл ўз зиммасига ишни ташлаш мажбуриятини олиши ёки мол-мулкни бўлиш ҳуқуқидан воз кечишини ёзиш мумкин эмас, чунки бундай шартлар унинг ҳуқуқий лаёқатини чеклайди. Ота-оналардан қайси бири болаларни тарбиялаш билан шуғулланиши ёки ажралиш юз берганда улар ким билан қолишини қайд этиб бўлмайди.

Никоҳ шартномасига муайян миқдордаги болаларни туғиш мажбурияти ёки васият

қилиш эркинлигини чеклайдиган мажбуриятни киритиб бўлмайди, чунки ушбу ҳуқуқ ФКнинг 67-бобида назарда тутилган ва фуқаронинг ҳуқуқий лаёқати мазмунига киради. Шунингдек унда эр-хотиннинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи чекланиши мумкин эмас. Бу нарсаси Оила кодексига қайд этилибгина қолмай, балки процессуал қонунчиликнинг умумий қондасидан ҳам мантиқан келиб чиқадиган ҳар қандай шахснинг (фақат эр-хотиннинг) судга мурожаат қилиш ҳуқуқини рад этишга киради.

Ушбу ҳужжатда сизга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси кафолатлайдиган барча ҳуқуқларга риоя этилиши керак. Тўғри тузилган никоҳ шартномаси реал кучга эга бўлади ва ҳақиқатан ҳам иккала тарафнинг манфаатларини, агар у Оила кодексига зид келмаса, ҳимоя қилиши мумкин.

Агар эр-хотин никоҳ шартномасини тузган бўлишса, бу унинг «абдий кучда қолиши»ни билдирмайди. ОК 32-моддасининг биринчи қисмига кўра ушбу ҳужжат исталган вақтда эр-хотиннинг келишувига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби билан Фуқаролик кодексида белгиланган асослар ва тартибда суднинг қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Шунингдек у ФКда назарда тутилган асосларга кўра суд томонидан тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Никоҳланишга тайёрланиш ёки никоҳда бўлганда никоҳ шартномасини тузиш фикридан тараддудланмаслик керак. Бўлғуси оилавий ҳаёт қанчалик бахтли бўлиб туюлмасин, уни биргаликдаги бахтсаодатни бузиши мумкин бўлган эҳтимолий хатарлардан сақлашга ҳаракат қилинг. Соғлом фикрга кўра, севги, ишонч, бир-бирини тушуниш ва бир-бирига ғамхўрлик қилиш сингари нозик туйғулар кундалик жанжаллар, касалликлар ва эр-хотиндан бирининг бевақт тарк этиши сингари турмуш изтиробларидан сақлаши керак. Ҳис-туйғуларни сақлаб қолиш учун бироз ҳисоб-китобни ҳам ўйлаб қўйиш керак. Шартнома тузиш ҳақида сўз очилганда жуфти ҳалолнингиз ғазабланса ёки таклифингизни рад этса, бу билан ким ютукқа эришганини олдиндан айтиб бўлмайди.

Ленара ХИКМАТОВА, юрист.

ТУЗАТИШ

«Иш берувчи ноҳақ» материалнинг («Норма маслаҳатчи»нинг 5.02.2013 йилдаги 5-сон, 8-бет) учинчи қаторидаги пастдан берилган биринчи қавс ичи қуйидагича ўқилсин:
(Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 13-банди),... Давоми матн бўйича.

Эълонлар

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, бизнес-режаларни қайта баҳолаш*. Тел.: (+99898) 365-33-60, (+99871) 245-75-47.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Сизга матбуотда реклама ва torg.uz да бонуслар керакми? Нақд пул. Пул ўтказиш. Терминал. Тел.: 232-16-95, 909-35-36.

***Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.**

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2006 йилдан бери

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБЕКОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган тахририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОРПРИНТ» МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 781 Адади 2 200. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2013 йил 11 февралда соат 16.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223